*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 май, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 113 (1630)

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Молдова Бош вазири ўринбосари В. Булгар раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари 24 май куни Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Бош вазири мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини қайд этиб, бу алоқалар қамровини янада кенгайтириш ҳамда уларни халқ хўжалигининг барча жабҳаларида жорий қилиш икки давлат учун ҳам ғоят самарали бўлишини таъкидлади. В. Булгарнинг мазкур ташрифи чоғида имзоланган қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар ана шу мақсадларнинг амалга оширилишида муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромад ва ҳаражатлар қўмитаси раиси Билл Арчер Америка Қўшма Штатлари миллий рамзи бўлган АҚШ давлат байроғини топширди. Ушбу байроқ шу йил 7 май куни Президентимиз Ислом Каримов шарафига Капитолий биноси устига тикилган эди. Америка парламенти биносига тикиладиган бундай байроқ АҚШ халқининг муқаддас мулки саналади. У америкаликлар удумига кўра, халқ ва ҳукумат олдида буюк хизматлар кўрсатган атоқли давлат арбобларига тақдим этилади.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимиз раҳбари Билл Арчер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

-- Юртимизга эҳтиром ва давлатимизнинг эътирофи сифатида Американинг миллий рамзи бўлган ушбу байроқни тақдим этишингиз биз учун қувонарли воқеадир, -- деди Ислом Каримов. -- Биз АҚШ Конгресси делегациясининг мамлакатимизга ташрифини Ўзбекистонни яқинроқ билиш ҳамда ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадидаги интилиш, деб биламиз.

Суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Олий Мажлис раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Т. Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

*СУРАТДА: қабул пайти.*
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСГА ТАШРИФ

26 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромад ва харажатлар қўмитаси раиси Билл Арчер бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Америкалик меҳмонлар билан мулоқот чоғида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов уларни мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришлар билан таништирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Олий Мажлиси билан АҚШ Конгресси ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

* * *

Шу куни америкалик меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб, вазир Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

АҚШ Конгресси делегацияси вакилларининг Олий Мажлис ҳамда Ташқи ишлар вазирлигига ташрифи чоғида уларга Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Т. Эскудеро ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

***26 май куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида республика ҳукумати ҳамкорлигида Америка-Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП) ташаббуси билан «Ўзбекистон -- Марказий Осиёда хорижий сармояларни жалб этиш маркази» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов очди.

Маросимда сўзга чиққан Америка-Ўзбекистон савдо палатаси президенти Л. Курляндер мамлакатимизда хорижий сармоядорларнинг фаолият юритиши учун мустаҳакам ҳуқуқий замин ва ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилганини эътироф этди. Шу боис кейинги пайтда хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда Америка-Ўзбекистон савдо палатаси фаолияти яхши натижа бераётганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиздир. АЎСП Америкадаги йирик фирма ва компанияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1993 йил август ойида Вашингтонда ташкил этилган. «Боинг», «Каргилл», «Катерпиллер», «Эксон», «Ньюмонт Майнинг» каби йигирмадан ортиқ корпорация ва банклар АЎСП муассислари бўлганди. Шундан буён, мазкур палата АҚШ компания ва фирмаларини Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга жалб этиб келаётир. Ҳозирги кунга келиб, АЎСПга аъзо сармоядорлар сони ўттизга етди. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган иқтисодий сиёсат ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Ҳозирги кунда хорижий сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Бунинг натижаси ўлароқ, айни пайтда республикамизда хорижий сармоядорлар иштирокида 130 га яқин қўшма лойиҳа амалга оширилиш арафасида турибди. Уларнинг умумий баҳоси 8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ баҳоланмоқда. Ушбу сармояларнинг асосий қисми нефть-газ қазиб олиш, тоғ-кон ҳамда машинасозлик саноати каби иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларига йўналтирилган. Шунингдек, алоқа, транспорт, сайёҳлик тизимлари ҳамда кимё ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш учун ҳам йирик миқдорда хорижий сармоя жалб этиш кўзда тутилган.

Анжуманда Ўзбекистонда ривожланиб келаётган молия бозори, банклар фаолияти ҳамда хусусийлаштириш жараёни истиқболлари мавзуларидаги маърузалар ҳам тингланди.

«Акселс», «Дрессер индастриз», «Ньюкем ИНК» сингари ўнга яқин АҚШ компанияларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман якунида «Иш юритиш санъати» мавзуида брифинг ўтазилди.

Конференцияда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

(ЎзА).

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

24 май куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ва Молдова Бош вазири ўринбосари Валериу Булгар иштирокидаги кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон -- Молдова ҳукуматлараро комиссиясининг якуний мажлиси бўлди. Унда комиссия ишининг якунлари кўриб чиқилди ҳамда ҳукуматлараро ҳужжатлар бўйича музокаралар ўтказилди.

Ўзбекистон билан Молдованинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлиги узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Комиссиянинг якуний мажлисида халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мумкин қадар кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Айниқса, корхоналараро алоқаларни ривожлантириш лозимлигига катта эътибор қаратилди.

Мажлис якунида Ўзбекистон билан Молдова ўртасида молия-саноат гуруҳларини тузишнинг асосий тамойиллари, стандартлаш, метрология ва сертификатлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, банк-молия, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари М. Усмонов ҳамда Молдова Бош вазири ўринбосари В. Булгар имзолади.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида:

1. Республикадаги қатор жамоат ташкилотларининг Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Кенгашнинг устави белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани ва ушбу кенгаш ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ноҳукумат бирлашмаси эканлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидаги вазифалар кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари деб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

-- хорижий мамлакатлар халқлари ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлаш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида дўстлик жамиятлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистон халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш;

-- хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

-- БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ҳамда хорижий мамлакатлар ташкилотлари йўли билан маданий-маърифий алоқалар масалалари бўйича муносабатларни ривожлантириш.

4. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари кенг қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини ва демократик ўзгаришлар руҳига мос келишини эътиборга олиб, вазирликлар, идоралар, ҳудудий органлар кенгаш фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

5. Кенгаш, унинг ҳузуридаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари 2000 йилга қадар устав вазифаларини амалга ошириш бўйича барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилсин.

6. Кенгаш котибияти Ўзбекистон кўчаси, 49 А уйга жойлаштирилсин, лозим бўлган хоналар унинг тасарруфига бепул ўтказиб берилсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кенгашни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсин, миллий ва хорижий валюталарда пул муомалаларини амалга ошириши учун тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 май.

## КИНОАНЖУМАН КУНДАЛИГИ

### КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

XII Тошкент халқаро кинофестивалининг ҳар бир куни қизиқарли воқеаларга бой бўлмоқда. Ўтган шанба куни киноанжуман иштирокчиларидан катта бир гуруҳи Ўзбекистон Бадиий академиясига ташриф буюриб, «Ранго-ранг Ўзбекистон» кўргазмаси очилишида иштирок этди. Унда сўзга чиққан Бадиий академия раиси Т. Қўзиев, Ўзбекистон халқ рассомлари Р. Чориев ва Ш. Муҳаммаджонов экран санъати билан тасвирий санъат чамбарчас боғлиқлиги, бу ерга қўйилган ҳар бир асар миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлади. Кўргазмага қўйилган турли мавзу ва йўналишдаги асарлар фестивал қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма очилиши маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

## УЮШМАНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан, яқинда Тошкентда республика халқ ҳунармандлари «Ҳунарманд» уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда янги уюшманинг раҳбарлари таркиби сайланиб, уюшма низоми тасдиқланди.

Таъсис конференциясида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА МУЛОҚОТ

26 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Иттифоқи ташкилоти вакили, Франция интеллектуал мулк бўйича таъсис дастури бошлиғи Эли-Пьер Рокиччиоли ҳамда Бельгия аудиовизуал муаллифлар халқаро ассоциацияси раҳбари Жоао Корреа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ташриф буюрди.

Адлия вазири ўринбосари Маъмур Жалилов меҳмонларга республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, жумладан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қонунлар ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, меҳмонлар шу куни Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтига ҳам ташриф буюриб, мазкур ўқув даргоҳи иш фаолияти билан танишдилар.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАРИ

### АФҒОНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги икки кун ичида Афғонистон шимолидаги Ўзбекистонга чегарадош ҳудудда вазият кескинлашди.

Маликхоннинг қуролли гуруҳлари бир неча кун муқаддам А. Дўстумга қарши чиқиб, Фарёб вилоятига кирган ва Шувурғон шаҳрини ўз назоратига олган эди. Кеча, 24 май куни бу гуруҳлар А. Дўстумга бўйсунувчи бўлимлар томонидан қаршиликка учрамай, Мозори Шариф шаҳрини эгаллади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон, Туркманистон ва қисман Тожикистон чегарасига туташ бўлган бутун Шимолий ҳудуд Маликхон назорати остида турибди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, А. Дўстум Ҳайратондан самолётда номаълум томонга учиб кетган. Ташқи ишлар вазирлиги шуни қатъий маълум қиладики, А. Дўстум Ўзбекистон ҳудудига келган эмас.

Бутун Афғонистон -- Ўзбекистон чегараси бўйлаб осойишталик ҳукм сурмоқда. Шу даврда бирор фавқулодда ҳодиса ёки можаро бўлган эмас.

Ўзбекистон чегара хизмати ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олиш ва бундай иғвогарликка йўл қўймаслик мақсадида чегарани мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Иккала мамлакат қўшни ҳудудларида осойишталикни сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Афғонистон чегара хизмати билан музокара олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 25 май.**

## ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ТАРОЗИСИ

***Мустақил республикамиз ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан дадил одим ташламоқда. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин, ҳуқуқий, демократик фуқаролар жамиятини барпо этиш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир. Кўзланган олий мақсадларга эришишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига чуқур сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳуқуқий тафаккур жамиятда қонун устуворлиги, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир.***

***Маълумки, мамлакатимиз Президенти И. Каримов яқинда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни белгилаб берди. Дарҳақиқат, қонун ва ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамият, балки келажак авлодлар учун ҳам жуда зарур.***

***Мулоқот чоғида юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий хулосалар омма ўртасида якдиллик билан маъқулланмоқда. Буни «Халқ сўзи» таҳририятига келаётган хат-хабарлар, шошилинчномалар мазмунидан ҳам билиш мумкин. Муштарийларимиз аҳолининг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш, барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ибратли ишларни таъкидлаб, давлатимиз раҳбарининг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, адолатли жамият барпо этишга қаратилган узоқни кўзловчи доно сиёсатидан мамнун эканликларини изҳор этадилар.***

***Ушбу мавзуга бағишланган мақолаларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.***

## ҚОНУН ва ФУҚАРО

- **Юрист-педагоглар тайёрлаш -- давлат миқёсидаги вазифа.**
- **Илгари давлат ҳуқуқининг имтиёзлари нега кучли бўлган?**
- **Ўқитувчи ва мактаб директори, раис ва колхозчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 20 май куни ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви фуқароларимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ҳақиқатан ҳам, юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етишига эришиш бугунги куннинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири, бу мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, биз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни қай даражада биламиз? Ўзгалар билан ҳуқуқий муносабатга киришарканмиз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қила оламизми?

Оддий бир мисол. Ҳар куни эрталаб трамвай, троллейбус ва автобусларда ишхонамизга борамиз. Дейлик трамвай ёки автобус техник носозлиги туфайли йўлда бузилиб қолди. Лекин ҳайдовчи йўловчилардан йўл ҳақи талаб қила бошлайди. Йўловчилар эса манзилига етказиб қўймаганидан ранжиб, бунга рози бўлмайдилар. Ким ҳақ-у, ким ноҳақ -- кўпчилигимиз айтиб бера олмаймиз. Ўртада баҳс, мунозара ва ҳар хил кўнгилбузарликлар юз беради. Бундан йўловчиларнинг ҳам, ҳайдовчининг ҳам кайфияти бузилади.

Аслида бу кундалик фаолиятимизда учраб турадиган оддий бир ҳолат. Аммо фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаши шундан, яъни оддий нарсалардан бошланади.

(Давоми 2-бетда).

# ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ТАРОЗИСИ

**Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект -- давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.**

**Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Эндиги вазифа ана шу қонунлар моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етиб боришига ва мазкур ташкилотлар таъсирини ҳар бир фуқаро сезишига, ҳис этишига эришишдан иборатдир.**

**Мухтасар айтганда, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.**

## ҚОНУН ва ФУҚАРО

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ўринда, албатта, одамларни айбдор деб бўлмайди. Бунинг туб илдиз-сабаблари бошқа масалага бориб тақалади.

Учрашувда Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, шўро замонида давлат ўз ҳуқуқини яхши билган ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилган, давлат манфаатлари инсон ва жамият манфаатларидан юқори қўйилган. Масалан, ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари дастурига «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари» деб номланувчи «умумий бир фан» киритилиб, асосан, у шу давлатни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини эмас, давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу юмушга бутун сиёсат, оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение хизмат қилган. Бироқ шўролар даврида мамлакат барқарорлиги тамойилларининг уч субъекти, яъни давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро адолат тарозиси бузилган. Асосий эътибор давлат ҳуқуқига қаратилиб, жамият ва инсон ҳуқуқлари иккиламчи ўринда қолдирилган ва, аксинча, инсонларнинг давлат олдидаги бурчлари кенг тарғиб қилинган. Бунинг замирида маълум бир «мақсад» ётган, атайин инсон ҳуқуқлари кенг тарғиб қилинмай, у ўрта мактаб ва олий даргоҳларда ўргатилмаган. Чунки кишилик жамияти тарихидан маълумки, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган инсонларни бошқариш, ўз йўриғига юргизиш анча мушкул. Лекин ўз ҳақ-ҳуқуқларидан бехабар кишиларни бошқариш анча енгил, чунки улар ўз ҳуқуқларини яхши билмаганлиги сабабли, буни талаб қилмайди, қаерга буюрсалар, ўша ерга йўрғалаб кетаверади.

Шу маънода, ҳозир халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти етарли даражада дея олмаймиз. Бу собиқ социалистик тузумнинг маълум бир «мақсад»га йўналтирилган манфур сиёсатининг оқибати, унинг бир кўриниши, бизга қолдирган «мероси»дир.

Қадимда ота-боболаримизга эр ва хотин, ота ва бола -- оилавий ҳуқуқ асослари, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари оддий тилда тушунтирилган. Отанинг фарзанд олдидаги бурчи ва, аксинча, фарзанднинг ота олдидаги масъулияти каби фиқҳий илмлар ҳар бир мўмин-мусулмон онгига сингдирилган. Октябрь тўнтаришидан кейин «янги» тизимга ўтилгач, қарийб етмиш йил давомида шўролар давлати ва ҳуқуқи кўкка кўтариб мақталди, лекин у, шариат меъёрларидек, турмушнинг ҳар бир икир-чикирига ҳуқуқий жиҳатдан жавоб бера олмади. Бу, юқорида айтилганидек, фуқаролар ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий тафаккурини атайин пасайтириш учун қилинган манфур сиёсатнинг натижасидир.

Шўролар давридан қолган бундай салбий ҳолатларни тугатиш, халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимини ошириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун нима қилиш керак? Қандай йўллар билан муддаога эришиш мумкин?

Назаримизда, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ўрта мактаблардан бошланиши лозим. Бунда Президентимиз айтиб ўтган уч субъект: давлат, жамият, инсон манфаатлари ўзаро тенг, уйғун ҳолатда ўргатилиши лозим. Ушбу жараёнда кўпроқ эртага 10-синф ўқувчисининг ҳаётга қадам қўйиши, у ҳуқуқий жиҳатдан қандай ҳолатларга тушиши, яъни масаланинг амалий аҳамияти кўпроқ ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун давлат миқёсида махсус дастур ишлаб чиқилиб, ўқувчиларга фуқаровий, оилавий, меҳнат каби ҳуқуқ соҳаларидан таълим берилиши керак. Таълим шундай йўлга қўйилиши лозимки, у ниҳоятда содда ва лўнда бўлиши, турмушнинг энг зарур масалаларини қамраб олиши шарт. Токи ўқувчи мактабни тугатганидан кейин мансабдор шахслар ва турли инсонлар билан ҳуқуқий муносабатга киришаркан, ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин, нафақат билсин, балки ҳуқуқини ҳимоя қила олсин.

Мутахассислар ҳуқуқий тафаккурининг юксалишига тўсқинлик қилаётган яна бир муаммо -- бу ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий билимларнинг тўла ўргатилмаслигидир. Масалан, педагогика институтини тугаттан талаба эртага мактабга боради ва кундалик фаолиятида мактаб директори, илмий бўлим мудири ва ўқувчилар билан ҳуқуқий муносабатта киришади. Бунда у мактаб директори қанақа ҳуқуқларга эга-ю, ўзига тегишли ҳуқуқлар нималардан иборат, ёки ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ва мактаб мудираси, халқ таълими бўлимининг масъул ходимлари ҳуқуқий муносабатларда ўзининг қандай ҳуқуқларга эгалигини билмайди. Чунки унга бу масалалар олий даргоҳда ўргатилмаган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамиз олий ўқув юртларида тегишли ихтисосликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларга ҳуқуқий билимларни ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Хусусан, аграр университет талабасининг раис ва агроном, раис ва колхозчи, раис ва бухгалтер ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда кимнинг қандай ҳуқуқларга эгалигини билиши ғоят муҳим.

Шунингдек, олий ўқув юртларида ихтисосликнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, маъмурий ҳуқуқ асослари ўргатилиши ҳам талаб этилади. Масалан, педагогика институтлари талабалари халқ таълими соҳасидаги идораларнинг тузилиши, қайси идора кимга бўйсуниши каби масалалар моҳиятини англашига эришиш лозим.

Республикамизда бу ишларни амалга ошириш учун, албатта, малакали юрист-педагоглар зарур. Шунга кўра, бу муҳим масала бўйича ҳам давлат миқёсида махсус дастур (концепция) ишлаб чиқилиши, шу дастур асосида кенг қамровли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шунда ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

**Шуҳрат КЎЧИМОВ,**
**Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети доценти.**



*Инсоннинг маънавий шаклланиши асосан мактаб партасидан бошланиши ҳеч биримизга сир эмас. Жумладан, унинг ҳуқуқий саводхонлигига ҳам аслида шу масканда тамал тоши қўйилади. Бугунги кунда мамлакатимиз мактабларида ёшларга ҳуқуқий асослар алифбоси ўргатилаётганлиги мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Кўпгина мактабларда эса ўқувчилар билан ҳуқуқшуносларнинг амалий мулоқот ва учрашувлари ҳам ўтказилмоқда. Сиз суратда кўриб турган бу ёшларнинг орасидан келажакда тажрибали прокурор, суд ходими ёки ички ишлар органларида ишловчи малакали хизматчи чиқмаслигига ким кафолат беради.*

*Зеро, Ватан остонадан бошланганидек, ҳуқуқий тарбия асослари ҳам худди шу тарбия масканларида илдиз отади, япроқ ёзади ва алалоқибат ҳосил беради.*

## КАТТА БОЙЛИК

**Маълумки, ҳуқуқ ҳар бир жамиятнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади ва давлат томонидан таъминланади. Инсон яхши ҳулқ-атворли ва аксинча бўлиши мумкин. Лекин бу унга бирон-бир ҳуқуқ бермайди, балки шахс сифатида характерлайди, холос. Ҳар бир фуқаро ўз фаолияти, хатти-ҳаракати туфайлигина маълум ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.**

Лекин бу ҳаракатлар жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаслиги лозим. Акс ҳолда у ҳуқуқ бўла олмайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқ бу -- шахснинг халқ ва жамият манфаатлари йўлида амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари мажмуидир.

Албатта, ҳамма ҳам бир хил ҳуқуққа эга бўлавермайди. Кимдир ақлан заиф, кимдур устун, кимдир тадбиркор бўлиши мумкин. Бинобарин, уларнинг ҳуқуқлари ҳам турлича. Масалан, ақли заиф шахс баъзи ҳаракатларни содир этишда чекланган қобилиятига таянади. Табиийки, унга автомашина ёки самолётни бошқариш ҳуқуқини бериб бўлмайди. Унинг шахс сифатидаги умуминсоний ҳуқуқлари мавжуд, бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Инсон туғилади, улғаяди, ишлайди, шу тариқа ҳуқуқ субъекти сифатида шакллана боради. Яшаш ҳуқуқи унинг табиий ҳуқуқидир. Инсон икки хил: табиий ва хосила ҳуқуқлар себъекти бўлиши мумкин. Табиий ҳуқуқ ҳеч ким томонидан чекланиши, бекор қилиниши мумкин эмас. Бошқа хосила ҳуқуқлар, масалан, машинани бошқариш, муаян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини чекласа бўлади, лекин бунинг табиий ҳуқуққа мутлақо алоқаси йўқ. Тўғри, шахснинг табиий ҳуқуқини жамият манфаатлари йўлида чеклаш мумкин. ХХРда амал қилаётган оилани режалаштириш сиёсатини бунга мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Хосила ҳуқуқ шахс томонидан яратилади, аниқроғи ҳосил қилинади. Шахснинг чекланган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини олайлик. Бу ҳуқуқ икки усулда -- мерос ҳуқуқи объекти сифатида ҳам, шахснинг хатти-ҳаракати натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда, инсон ҳуқулари ва эркинликлари ҳар бир жамиятнинг энг катта бойлигидир. Бу бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз, унинг қонуний имкониятларини кенгайтиришимиз лозим. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш адолатли демократик давлатни барпо этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Р. КОМИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

МУНОСАБАТ

## ФАОЛИЯТ ЧЎҚҚИСИ

**Ҳақиқий демократик йўналишдан бораётган давлатда инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишига кундалик одатий бир ҳодиса сифатида қаралади. Маданиятли кишилар ҳар бир ишда қонун андозаларидан четга чиқмаган хатти-ҳаракатни оқлайдилар. Бунинг учун, аввало, ҳар биримиз ҳуқуқий мезонларимизни тўлиқ ва аниқ билишимиз керак.**

Адолат тамойили шаклланган мамлакатда асосий уч субъект -- давлат, жамият ва фуқаролар орасидаги узвий боғлиқлик ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Яъни ҳуқуқ шунчаки яшаш эмас, фаолият тимсолидир.

Қаердаки фаолият мавжуд эрса, ўша ерда шахс шаклланиб боради. Демократик тамойилларни табора ривож топтиришга чоғланган мамлакатда ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланади. Қонундан қўрқиш эмас, ҳурмат қилиш эвазига жамият равнақига ҳисса қўшиш мумкин. Қонунни эъзозлаган одам, аввало, ўзини, оиласини, давлатни ҳурмат қилади. Ҳуқуқий тафаккури етилган киши ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни танлаб, тутамли хулосага келаолади. Кишилари уйғоқ, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган давлат доимо ўсиш ва тараққиёт поғоналаридан илдам кўтарилиб боради. Ҳуқуқларини англамаган одам ўзи сезмаган ҳолда жамиятдан ажралиб қолиши мумкин. Умуминсоний манфаат ва ғоялар уйғунлашган қонун ҳар бир мамлакатнинг уриб турган юраги ҳисобланади. Албатта, бу ўринда инсоннинг қадр-қиммати, шаъни, ор номуси ҳимояси кўзда тутилади.

Куни кеча мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувини ЎзТВ орқали халқимиз ҳаяжон билан кузатди. Очиғини айтганда, ҳуқуқий маданият, қонунлар ва кўпчилик давлат ҳужжатлари моҳиятини аҳоли онгига етказиш, содда тил билан тушунтириш долзарб масалалардан бирига айланиб қолган эди. Менимча, йиғинда бу муаммо юртбошимиз томонидан халқона тилда, тушунарли тарзда, атрофлича таҳлил қилинди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тафаккур тушунчаси инсон ҳаёти, унинг яшаш тарзида нечоғлик муҳим бўлса, демократик, халқпарвар жамиятнинг тўлиқ шаклу шамойил топишида шунчалик аҳамиятга моликлиги кўрсатиб ўтилди. Бугун ҳуқуқшунослар олдидаги асосий вазифалардан бири мазкур соҳани омма орасида ортиқча илмийлик, китобий тилдан ҳоли қилиб тарғиб этишдир.

Сезиларли даражада куйинчаклик билан ўртага ташланган масала моҳиятидан халқимизнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари амалий жиҳатдан рўёбга чиқиши, қўллаб-қувватланишига урғу берилди, десак хато бўлмас. Чиндан ҳам ҳуқуқий билим доирасини ошириш учун кишиларимизга ҳозирги манбалар бир оз оғирлик қилади. Негаки, барча қўлланмалар ва китобларда мураккабликлар бор. Кундалик матбуот саҳифалари ҳамда телевидение ва радиодаги чиқишларда ҳам тушунтириш ишлари мушкул услубда олиб борилаяпти.

Гап соддаликда эмас, моҳиятнинг қай тарзда кишилар тафаккурига етиб боришида. Ўз ҳуқуқини тўла тушуниб етмаслик оқибатида кишиларимиз кўплаб ташкилотлар раҳбарлари устидан шикоятлар ёзиб, маъмурий идоралар эшикларини излаб овора бўлиши ҳоллари учраб турибди. Бу эса жойларда одамлар кайфиятига салбий таъсир қилади. Айрим норозилик ҳолатларини туғдиради. Юртимиз истиқлолга эришганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, демократик жамият қуришнинг ҳеч бир давлатдан андоза олмаган ҳолда, миллий мафкура ва тафаккуримиз, ўз қарашларимизга хосу мос йўлини танлаб улгурдик. Ва бу ҳолатнинг нурли томонлари бугунги кунда кўзга чалинаяпти ҳам. Шундай экан, аввало, инсон ҳуқуқи демократик жамият қонунлари билан ҳимояланиши зарурий шартлардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Шукурки, мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган барча қонунлар негизига инсон манфаатлари ҳимояси ва уни эъзозлаш туйғуси сингдирилган. Уни тарғиб қилиш ҳар бир зиёли, жумладан, ҳуқуқ соҳасидаги барча кишиларга масъулият юклайди.

Мазкур учрашувда юртбошимиз ҳуқуқ-тартибот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги фикрни ўртага ташладилар: **халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қабул қилган фармон, қонун, қарорларни тўлиқ англаши керак. Инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатлар ҳар бир кишининг тафаккур чиғириғидан ўтиши зарур. Ҳар ким бу масалада ўз муносабатини билдириш имконида бўлиши лозим.** Бу, албатта, ҳуқуқий онг масаласи билан боғлиқ. Ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш кишиларимизнинг фаоллиги билан чамбарчасдир.

Учрашув чоғида юртбошимиз мазкур соҳа раҳбарлари ва олимлари олдида ўртага ташлаган масалалар ўта жиддий ва кечиктириб бўлмаслиги билан ҳам аҳамиятли эди. Дейлик, **ҳуқуқшунослик институти қошида ҳуқуқий-маърифий марказ очиш, ҳуқуқий масалаларга тегишли фармон қабул қилиш, Адлия вазирлиги ҳузурида уч ҳамда олти ойлик малака ошириш марказини ташкил қилиш, яна шу вазирлик тармоғида махсус бошқарув бўлими фаолиятини йўлга қўйиш, ҳуқуқ бўйича Давлат дастурини тайёрлаш** масалалари тез кунда ечимини топиши зарурлиги айтилди. Бу, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда демократик йўлдан бораётган буюк давлатимизда барча ислоҳотларнинг амалий натижаларга эришуви учун муҳим босқичдир.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО НИМА?

***Ҳурматли таҳририят! Ўтган йили яшаб турган уйимизни хусусийлаштириш жараёнида низоли масала келиб чиқди. Судга мурожаат қилган эдик, «Фуқаровий даъво қўзғатинг», дея маслаҳат беришди. Билмоқчи эдик: фуқаровий даъво қачон ва қайси ҳолларда қўзғатилади?***

***Ш. КАРИМОВА,***
***Сирдарё.***

*Хоразмлик К. Отажонов, иштихонлик А. Жўраев, наманганлик И. Бобохонова ҳам шунга ўхшаш савол билан мурожаат қилишган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддасида таъкидланганидек, жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёҳуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир.*

*Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам бўлиши мумкин. Оғзаки даъво баённомага ёзиб қўйилади. Фуқаровий даъво бўйича иш юритишда зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади.*

*Эслатма: юқорида зикр этилган кодекснинг 279-моддасига биноан, прокурор фуқаровий даъво қўзғатиш ёхуд қўзғатилган фуқаровий даъвони қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат ёки жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳолларда эса даъвога қарши эътироз билдириш ҳуқуқига эгадир.*




## СУД ҲУКМИ -- МЕЗОН

***Айбсизлик презумпцияси дегани нима? Шу ҳақда тушунча берсангиз.***

***Н. ТОШҚУЛОВ,***
***Пешку тумани.***

*Айбсизлик презумпцияси -- ҳуқуқий жараёнда муҳим демократик қоида бўлиб, унга мувофиқ бирор шахснинг суд ҳукми бўлмай туриб, айбдор деб топилиши ва жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддаси бу ҳуқуқни кафолатлайди. Ҳар бир айбланувчи (судланувчи)нинг айби судда рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботланиши лозим. Айблов ҳукми судланувчининг жиноят ишида айбли эканлиги исботланган тадқирдагина чиқарилади. Айбни исбот қилиш давлат органларининг вазифаси ҳисобланади. Айбланувчининг кўрсатма бериш-бермаслиги унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир.*

*Кўринадики, айбсизлик презумпцияси фуқаро ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, у асоссиз айблов ва ҳукм чиқаришни истисно этади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал этилиши лозим.*

## КИМЛАР КАССАЦИОН ШИКОЯТ БЕРИШГА ҲАҚЛИ?

***Маълумки, суд амалиётида кассация тартибида иш юритиш ҳолларига ҳам йўл қўйилади. Кимлар кассацион шикоят беришга ҳақли?***

***И. САДИРОВ,***
***Хоразм.***

*Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасида бу ишга оид ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Яъни маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса протест билдиришга ҳақлидир.*

*Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришлари мумкин.*

*Шунингдек, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ҳамда асосларига оид қисми устидан кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидирлар.*

